

Ҳар йили кўзилатиш мавсуми охирида Томди туманида анъанавий «Чўпон тўйи» ўтказилади. Вилоятда парваришланаётган кўй-эчкининг 33, туя ва йилкининг 43 фоизидан кўпроги Томдининг ҳиссасига тўғри келади. Туманда чорвачилик ҳадис ривожланаяпти.



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 8 июн, сешанба № 92 (1725)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг Афина шаҳри (Греция)да ўтказиладиган 2004 йилги XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида муносиб иштирок этишини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон спортчиларининг Афина шаҳри (Греция)да бўлиб ўтадиган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларига сифатли тайёргарлик кўришини таъминлаш, уларнинг ушбу нуфузли мусобақаларда фаол иштирок этишини ҳамда юқори натижаларга эришини рағбатлантириш, уларнинг мамлакатимизнинг халқаро обрўсини оширишдаги чексиз ва танпарварлиги мисолида ёш авлодни ўз Ватани учун гурур-ифтихор руҳида тарбиялаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси билан биргаликда:

Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган халқаро танлов мусобақаларида лицензияни кўлга киритган спортчилардан мамлакат терма жамоасини шакллантирсин;

мамлакат терма жамоасининг ўқув-машғулот йилларининг якунловчи босқичида Олимпиада ўйинларига пухта тайёргарлик кўришини ва халқаро лицензион мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишини ташкил қилсин;

мамлакат терма жамоаси спортчиларини зарур микдорда спорт анжумани, инвентарлари ҳамда спорт кийимлари билан таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси спорт делегациясининг таркиби ва унинг ҳаракатлар сметаси тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитасига ҳаракатларнинг тасдиқланган сметасига ҳақиқий ҳаракатлардан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. XXVIII ёзги Олимпиада ўйинлари совриндорлари бўлган Ўзбекистон спортчиларини рағбатлантириш, уларнинг Ватанимиз спорт шарафига муносиб ҳисса қўшганини эътироф этиш мақсадида Давлат спорт қўмитасининг 2004 йил учун календар режасида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан қуйидаги микдорларда бир марталик мукофотлар белгилансин:

олтин медал учун - 100 000 АҚШ доллари; кумуш медал учун - 50 000 АҚШ доллари; бронза медал учун - 25 000 АҚШ доллари.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат спорт қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда белгиланган мукофотларни бериш тартибининг бир ҳафта мuddатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси буюртмаларига биноан мамлакат терма жамоасини зарур дори-дармонлар, фармакология препаратлари ва биологик фаол тикланиш воситалари билан таъминласин;

мамлакат терма жамоасига номзодлар учун даволаш-профилактика тадбирларини ташкил этишга ёрдам берсин.

5. Давлат спорт қўмитаси ва Миллий олимпия қўмитаси Ўзбекистон спорт делегациясининг XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўришини таъминлаш учун республикага мақсадли равишда олиб келинадиган махсус спорт анжумани ва инвентарлар, спорт кийимлари учун божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги халқаро мусобақалар иштирокчилари - Ўзбекистон спорт делегациясини аъзолари учун хорижга чиқиш ҳужжатларининг ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминласинлар.

7. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси:

Ўзбекистон спорт делегациясининг Тошкент-Афина-Тошкент йўналиши бўйича имтиёзли шартларда учинсин;

Ўзбекистон спорт делегациясининг VIP зали орқали бепул ўтишини таъминласин.

8. «Совластитал» қўшма корхонаси, «Ониск» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Фонон» акциядорлик жамиятига халқаро мусобақаларга бораётган республика спорт делегацияси учун Давлат спорт қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси эскизлари бўйича эсдалик буюмларини имтиёзли шартларда тайёрлаб бериш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, «Ўзтелевидео» компанияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларига тайёргарликнинг бориши ва Ўзбекистон терма жамоасининг халқаро мусобақалардаги иштироки оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласинлар.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2004 йил 7 июн

Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиши ҳуқуқий демократик давлатнинг ажралмас хусусияти бўлиб, бу Ўзбекистон Конституциясининг 2-моддасида «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир», - тарзида белгилаб қўйилган. Демак, фуқаролар давлат ва жамият бошқарувида бевосита ва билвосита иштирок этадилар.

Бевосита демократия орқали барча вакиллик органлари шакллантирилади ва вакиллик демократияси вуқудга келади. Вакиллик органларига асосан сайлаб қўйиладиган қонунчилик муассасаси, давлат бошлиғи, маҳаллий ҳокимият ва ўзини-ўзи бошқариш органлари киритади. Ўзбекистон фуқаролари давлат ҳокимиятини ўзлари сайлаб қўйган вакиллари орқали вакиллик органлари бўлган халқ депутатлари Кенгашлари орқали амалга оширади.

Демократия, яъни халқ ҳокимиятининг асосий мақсади ва вазифаси заминда давлат ҳокимияти органларининг ҳамма бўғинларини сайловлар воситасида шакллантириш масаласи ётади. Мамлакатда сайлов ҳуқуқи қандай бўлиши керак, у қандай тамойиллар ва қонунларга асосланиши мақсадга мувофиқ? Масалани шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, энг аввало, биз Халқаро ҳуқуқ қондалари, гоёлари ҳамда тамойилларига асосланишимиз лозим бўлади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси»нинг 21-моддасида шундай дейилади:

1. Ҳар бир киши ўз мамлакатини бошқаришда эркин сайланган вакиллар орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга.

2. Халқ иродаси ҳуқуқат бошқарувининг негизи бўлмоғи лозим; бу ирода умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан ёки эркин овоз беришини таъминлай оладиган шунга тенг моҳиятда бошқа шакллар ёрдамида ўтатиладиган даврий ва сохталаштирилмайдиган сайловларда ўз ифодасини топиши керак. Мазкур фикр ва мулоҳазалар асосида сайловларнинг умумий, тенг, адолатли, яширин, эркин,

Демократия кўзгуси

қилиш, сайлов комиссиялари таркибида иштирок этиш ҳуқуқларини ўз ичига олади. Ҳар икки маънодаги сайлов ҳуқуқи тегишли дав-

лар, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганларнинг сайлаш ҳуқуқи вақтинча тўхтатилади.

Пассив сайлов ҳуқуқи, яъни сайланиш ҳуқуқига ҳам маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли фуқаролар эга бўлади.

Турли давлатларда турли давлат органларига сайланиш учун белгиланган ёш чегараси турлича бўлиши мумкин.

Актив сайлов, яъни сайлаш ҳуқуқидоғи ёш цензи турли давлатларда аҳолининг барча қатлами учун бир хил белгиланган, пассив сайлов ҳуқуқидоғи ёш цензи номзоднинг қайси органга сайланаётганлигига қараб турлича белгиланиши мумкин.

Ўзбекистон фуқаролари Маҳаллий Кенгаш депутатлигига сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун 21 ёшга, Олий Мажлис депутатлигига сайланиш учун 25 ёшга, Республика Президентлигига сайланиш учун эса 35 ёшга етган бўлиши керак.

Сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун яна бошқа шартлар ҳам қўйилиши мумкин. Масалан, Европа Парламентига номзоди қўйилган француз фуқаросидан 1500 евро гаров суммаси талаб қилинади. Президент бўлиб сайланиш учун номзод Ўзбекистонда қамада охириги 10 йил ичида доимий яшаган бўлиши ва давлат тилини яхши билиши керак. Олий Мажлиснинг қуйи ва юқори палаталарига депутатликка сайланиш учун номзод қамада сўнгги беш йилда Ўзбекистонда доимий яшаган... аввал судланмаган бўлиши керак.

Сайловларнинг сайлов ҳуқуқларини ўз навбатида актив ва пассив сайлов ҳуқуқларига бўлиш мумкин. Актив сайлов ҳуқуқи, яъни сайлаш ҳуқуқи бевосита демократиянинг бир кўриниши бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг давлатни бошқаришда ўз вакиллари билан иштирок этишини кўзда тутди. Бу ҳуқуққа Қонунда белгиланган маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли мамлакат фуқаролари эга бўлади.

Ўзбекистонда сайлаш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси 2-бандига биноан 18 ёшга етган барча Ўзбекистон фуқаролари эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ТИЗИМИ

ошқора, масъуллик тамойиллар асосида бўлиши халқаро меъёр сифатида қабул қилинган.

Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти инсонийлик мезонлари бўйича конференциясининг Копенгаген Кенгаши (1990 йил 29 июн) ҳужжатлари ҳам ана шу тамойиллар асосида демократик ҳуқуқий давлатларнинг ҳокимият органлари - сайловлар орқали шакллантиришнинг минимум талабларини ишлаб чиқди.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов ҳуқуқи ушбу Халқаро ҳуқуқ ва тамойилларига, шунингдек, ўзимизнинг миллий давлатчилигимиз ва қонунчилик тарихимиздаги таълимотлар ҳамда гоёларга асосланади. Адолат ҳамда қонунчилик, халқ ҳокимияти, маърифатпарвар халқ вакиллари билан сайлаб қўйиладиган вакиллар билан раҳбарлик ҳуқуқлари эркинликка ҳурмат билан қарашига асосланган жамиятнинг ташкил этилишини таъминлайди.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ўз навбатида актив ва пассив сайлов ҳуқуқларига бўлиш мумкин. Актив сайлов ҳуқуқи, яъни сайлаш ҳуқуқи бевосита демократиянинг бир кўриниши бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг давлатни бошқаришда ўз вакиллари билан иштирок этишини кўзда тутди. Бу ҳуқуққа Қонунда белгиланган маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли мамлакат фуқаролари эга бўлади.

Ўзбекистонда сайлаш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси 2-бандига биноан 18 ёшга етган барча Ўзбекистон фуқаролари эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган

(Давоми 2-бетда)

ТРАСЕКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Пойтахтимиздаги Олий харбий божхона институтида Европа Иттифоқи (ЕИ) ва ТРАСЕКА дастури шафёлигида ўқув семинари бошланди. Унда ТРАСЕКАга аъзо 12 мамлакат ҳамда Туркменистоннинг транспорт ва божхона идоралари ходимлари иштирок этмоқда.

Семинарнинг очилишида сўзга чиққан Олий харбий божхона институти бошлиғи Ш.Шораҳмедов, Ўзбекистон автобил ва дарё транспорт агентлиги бошлиғи А.Абдувалиев ҳамда Европа Комиссиясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари П.Редиш ТРАСЕКАни ривожлантиришда мазкур тадбирнинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлади.

15 июнга қадар давом этадиган мазкур семинар «Транспорт секторидо раҳбар ходимларнинг маълумоти ошириш» лойиҳаси доирасида ўтказилган. Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади транспорт ва божхона ташкилотлари раҳбарларининг янги технологияларни ишга солишига, тизим ва коммуникацияларни ўзгартиришга йўналтирилган фаолиятини тақомиллаштириш, қарорлар қабул қилишга маълумот доиралари ҳамда ТРАСЕКА минтақасидаги манфаатдор доираларга Фарбий Европанинг ноу-хаусини етказиш ҳамда ТРАСЕКА йўналигини ривожланишини қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Сариосиёлик қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Сариосиёлик қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Сариосиёлик қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Сариосиёлик қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Сариосиёлик қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Сариосиёлик қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Сариосиёлик қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Сариосиёлик қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Сариосиёлик қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Сариосиёлик қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Сариосиёлик қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Сариосиёлик қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Сариосиёлик қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Ёзги соғломлаштириш - юксак масъулият

МАВСУМ КЎНГИЛАГИДЕК ЎТАДИ

Ишловчи, унинг фарзандларига ҳамхўрлик қилиш касеба уюшмаларининг бош вазифаларидан бири саналади. Хусусан, келажакимиз эгалари - ёш авлоднинг ёзги дам олишини кўнгилли ташкил этишда жойларда тайёргарлик яқунланди.

Ўтган йилнинг ёз мавсумида Наманган вилояти миқёсида касеба уюшмалари тизимига қарашли шаҳардан ташқаридаги 7 та, мактаблар қошидаги 25 оромгоҳда 13083 бола соғломлаштирилган эди.

Обод маҳалла йили дастурий тадбирларига мувофиқ маҳаллардаги кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз oilаларнинг 1000 нафар фарзандига бепул йўлланмалар ажратиб берилди. Касеба уюшмаларининг ташаббуслари билан кўпчилик хўжалик ташкилотлари шундай oilалар фарзандлари учун шаҳардан ташқаридаги оромгоҳлар йўлланмаларига тўланадиган маблағни ўз зиммаларига олишди. Шундан мактаблар қошидаги оромгоҳларда ҳам 158 нафар бола хомий ташкилотлар томонидан соғломлаштирилди.

Жорий йилда касеба уюшмалари томонидан 8100 нафар болали дам олдириш режалаштирилган. Айни пайтда 21 та оромгоҳ, шу жумладан, 12 та шаҳардан ташқарида жойлашган оромгоҳлар мавсумга тахт ҳолатга келтирилди. Педагог, тиббиёт ва хизмат кўрсатиш ходимлари ўқитилиб, зарур тайёргарликдан



Тўрақўрғон туманидаги «Гўзал» корхонаси бир неча йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Айни пайтда жамоада 30 нафар ходим меҳнат қилишмоқда. Уларнинг асосини хотин-қизлар ташкил этади. Корхонада ишлаб чиқарилаётган кийим-кечаклар сифатлиги ва бежиримлиги боис ҳам харидорлар Махсулотлар асосан буюртма асосида истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.



Суратларда: илгор тикувчилар Г.Нурунова ва Д.Содиқова. И.ХАСАНОВ олган суратлар

«ШИЛАРМОН» ИШБИЛАРМОН

ёхуд 21 миллион сўмлик нақд пул тушумини кассада эмас, кассада айлантирган сохта тадбиркор ҳақида

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг бирида қалбасажур масжид имоми ҳақида гап боради. Имом қалбасажуру жўйган экан. Тарки одат амри маҳол, деб бежиз айтилмаган. Нафс-да, қалбасажурунинг доим қитқилаб тураркан.

Бир ёқдан тўнғиз гўшти исломда харом қилинган... Уйлаб-уйлаб «йўлини» қилибди. Қўлини булғамаслик учун кўпчилик қалбасажурулик қилишга ўтибди.

Солиқ қонунчилигини бузмаслик, сармомияни баъқ орқали аллантириш, ҳисоботларни ўз вақтида тилишириш, иш ҳақларига ҳиёнат қилмасликка сўз берди. Ниҳоят, 2001 йил 2 январ куни ҳокимиятнинг 39-сонли қарори қўлга теғди.

Фирманинг номланиши ҳам антиқа бўлди. «Журналист» деб атади уни. «Журналист» учун канцелярия моллари, қишлоқ хўжалик махсулотлари ишлаб чиқариш, қурилиш ва таъмирлаш, савдо хизмати кўрсатишини низоом бўйича асосий йўналиш қилиб олинди.

Мақсад аслида «Журналист» номини

(Давоми 2-бетда)

Демократия кўзгуси

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ТИЗИМИ

(Боши 1-бетда)

Сайловлар ўтказиш жараёнида хорижий ҳамда миллий кузатувчиларнинг ҳозир бўлиши сайлов ўтказиладиган давлат учун сайлов жараёнининг обрўсини ошириши мумкинлиги халқаро ҳужжатларда эътироф этилган. Бундай кузатувчилар сайлов жараёнига аралашмаган ҳолда маълум давлатда фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг амалга оширишлари учун қай даражада шароит яратилганлиги ва шунинг натижаси ўлароқ мамлакатда демократик жараёнинг қандай кечётганлигига баҳо берадилар.

Юртимизда бу борадаги ислохотларнинг қай йўсинда бораётганлигини 2002 йил 27 январ куні Ўзбекистон республикаси референдумида иштирок этиб, референдум жараёнини бевоқифа кузатиш ҳалқаро кузатувчилардан бирининг «Референдум келгусида Ўзбекистоннинг халқаро алоқаларини кучайтиришда ҳамда Қонунчиликни мустаҳкамлашда муҳим омили бўлади» деган мулоҳазаларидан ҳам билили оlish мумкин.

Мустақиллик йиллари мобайнида Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги тизими жаҳон ҳамжамиятининг қўлга киритган энг илғор ғоя ва қондаларини ўзига сингдирган ҳолда ривожланиб келмоқда. Булар Конституцияимизнинг XXIII боби ҳамда тегишли моддаларида, «Референдум яқунларида давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида», «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»-ги Қонунларда

ва бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган. Сайловнинг кўппартиявийлик ва муқобил асосда ўтказилиши, Конституция ва қонунларда мустаҳкамланиши депутатликка номзодларнинг фаоллиги ҳамда уларнинг сайловчилар олдидаги масъулиятини ошириди. Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий демократияни кучайтириш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи, сайлов маданиятини оширишга, мустаҳкамлашга олиб келмоқда.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида амалда қўлланилаётган сайлов тизими барча демократик талабларга жавоб беради. Бу тизим асосида фуқароларимиз ўз вақилларини давлат идораларига демократик принципларга асосан сайлаш имкониятига эга бўлиб, ушбу асосда давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиб келмоқда.

Жамият ривожланган сари, табиқийи, сайлов тизими ҳам тақомиллашиб бораверади. Буни 2002 йил 4 апрелда «Референдум яқунларида давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»-ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам тасдиқлайди. Бу қонун асосида сайлов тизимига бевоқифа янги тартиблар киритилган. Демак, кўрсатилаётган саъй-ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқий давлат қуриши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш сари дадил қадамлар қўётганлигидан қайтарилмайди.

Садриддин ХИДИРОВ, юридик фанлари номзоди
Зиёдулло ХИДИРОВ, Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси

Бу ҳақда ЎЗКУФКнинг Раёсат йиғилишида алоҳида гап борди

Жамиятимизда миллий мафқурани шакллантириш, республикамизда рўй бераётган тўб ўзгаришлар ҳамда ислохотларнинг кенг халқ оmmasига етказиш, меҳнаткашлар, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш, уларни жисмоний тарбия, спортга жалб қилиш борасида Бухоро вилояти шунингдек, енгил, мебел санвати, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш тармоғида мубайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Бугунги кунда Бухоро вилояти бўйича касба уюшмалари тизимига қарашли 2 та клуб, корхона ва ташкилотларга қарашли 152 та маданият саройи ҳамда уйлари, 950 дан ортиқ кутубхоналар, 2000 га яқин ўйингоҳу спорт майдонлари ёшларга хизмат қилиб келмоқда. Касба уюшма ташкилотлари томонидан маданият ўчоқларида миллий истиклол ғояларини кенг тарғиб қилиш, меҳнаткашлар ва ёшларнинг бадий ҳаваскорлик қобилиятини ўстириш, уларнинг маънавий дунёқарашини бойитишга қаратилган аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Мақсадга эришишда, зиё масканларининг ўрни алоҳида. Вилоятда ҳодимлари жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш борасида ҳам қатор ютуқлар қўлга киритилмоқда. Эндиликда, Бухорода 19,5 минг, Марказий қўмита тизимига эса 2,5 мингдан ортиқ киши жисмоний тарбия ва спортга жалб этилган. Жойларда «Аёллар», «Саломатлик» спартакиадаари каби турли мусобақалари ўтказиш аънаънага айланиб бормоқда. Соғлиқни сақлаш, таълим ва фан, агросаноат мажмуи, давлат муассасалари ва жамоат хизмати ҳодимлари вилоят тармоқ кўмиталарида «Ўзбекистон - Ватаним маним», «Куйлайман сени Ўзбекистон», «Энг намунали маҳалла», «Энг саришта оила» каби

га ҳали муҳим ишда баъзи бир камчиликлар, ечимини қутаётган муаммолар борки, бу ҳақда кўна УЗКУФКнинг кўма Раёсат йиғилишида алоҳида гап борди. Анжуман иштирокчилари асосий эътиборни камчиликларни бартараф этиш, жисмоний тарбиянинг омма-

ташкilotларда ҳам қайд этилган масалалар яхши аҳволда деб бўлмади. Марказий қўмита томонидан тизимдаги маданият муассасаларига услубий ёрдам бериш, меҳнаткашлар ва ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ўқув-семинарлар уюштириш

маърифий ишларга йўналтирилган маблағларни бошқа мақсадларга сарфлашга асло йўл қўйиб бўлмастлигини алоҳида таъкидлаб, ўз тақлифларини илгари сурдилар. Сўнги йилларда касба уюшма спорт катта муваффақиятларга эришди. Қатор номдор спортчиларимиз халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришга муваффақ бўлдилар. Бу барча тармоқларнинг ҳодимларига кўтаринки руҳ бахш этди. Вазифа илгор тажрибаларни кенг омалаштириб, барча ерда жисмоний тарбия ва спортга жалб этишни қизгин тус олдиришди. Бахта қарши Бухоро вилоятидаги баъзи жойларда дастлабки натижалар билан қифояланиб, ютуқлар бой берилмоқда. Акс ҳолда вилоят бўйича спорт секцияларида шуғулланувчилар сони қайтариб келинган.

Раёсат йиғилишида Бухоро вилояти касба уюшмалари Кенгаши ҳамда енгил, мебел санвати, коммунал маиший хизмат кўрсатиш ҳодимлари касба уюшма Марказий қўмитасининг маънавий-маърифий ишларни йўлга қўйиш, меҳнаткашлар ва ёшларнинг бўш вақтларини сермазмун ташкил этиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш борасидаги фаолияти танқидий нуқта-назардан атрофлича таҳлил этилди. Қисқа вақт ичида камчиликларни бартараф этиш, муаммоларни жойида ҳал этиш юзасидан аниқ тақлифлар, мулоҳазалар ўртага ташланди. Улар асосида тегишли қарор қабул қилинди.

М.ИЛЁВОВ

БЎШ ВАҚТ

ундан унумли фойдалана олаяпсизми?

кўриқлар, касб кўриқ-танловларини ўтказиш аънаънага айланган. Корхона, ташкилот ва муассасаларда 40 дан ортиқ бадий ҳаваскорлик жамоалари ташкил этилган. Меҳнаткашлар ва ёшларнинг бўш вақтларини сермазмун ташкил этишда юқорида таъкидланганидек, кутубхоналар муҳим ўрин тутди. Вилоят касба уюшмалари тизимидаги 1 та кутубхонада 9254 та, енгил, мебел санвати, коммунал маиший хизмат кўрсатиш тармоғида 16 та зиё масканида эса 48.361 та китоблар мавжуд. Бухоро Давлат университетини, «Бухоро-текс» акционерлик жамиятини, геология ва кимё санвати, вилоят таълим ва фан ҳодимлари Вобкент тумани касба уюшма кўмиталари, Бухоро магистрал электр тармоқлари корхонаси, Бухоро газ сановат қурилиш трести, Ғиждувоний номи қўмитасидаги жамияти, Вобкентдаги 1-сон ўрта мактаб бошланғич касба уюшма ташкилотларида қилинган. У бунга баҳона қилмади ўтган йили вилоят бўйича маданий-оқартуш тадбирлари 379 миллион сўм маблағ сарфланди. Бироқ ижобий ишда билан бир-

вийлигини таъминлаш билан боғлиқ омилларга қаратдилар. Таъкидланганидек, Бухоро вилояти агросаноат мажмуи ҳодимлари касба уюшмаси тармоғидаги қатор ташкилотларда маданий-маърифий ҳамда спорт ишларини ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ишлар бугунги кун талабига тўла жавоб бермади. Вилоятдаги ҳўжалиқларга қарашли ақсарият клублар назардан четда қолганлиги сабабли анчайин учор аҳволда. Уларда қизқарли нуранишув, ижодий кечалар уюштириш бағоят суст. Ёқилиш-энергетика, геология ва кимё санвати, вилоят таълим ва фан ҳодимлари Вобкент тумани касба уюшма кўмиталари, Бухоро магистрал электр тармоқлари корхонаси, Бухоро газ сановат қурилиш трести, Ғиждувоний номи қўмитасидаги жамияти, Вобкентдаги 1-сон ўрта мактаб бошланғич касба уюшма ташкилотларида қилинган. У бунга баҳона қилмади ўтган йили вилоят бўйича маданий-оқартуш тадбирлари 379 миллион сўм маблағ сарфланди. Бироқ ижобий ишда билан бир-

кутилганидек йўлга қўйилмаган. Жумладан, Хоразм вилояти иссиқлик манбаи, Тошкент вилоятига, Бухоро газ тўлдириш станцияси, Самарқанд вилоятидаги «8-Март» корхонаси, «Баҳмал» қўшма корхонасидаги каби касба уюшма ташкилотларида сўнги икки йил ичида маданий тадбирлар деярли ўтказилмаган. Кутубхоналар ишини ташкил этиш борасида ҳали кўп иш қилиш керак. Ташкилотчилик ва талабчанлик етишмаганлиги туфайли Жондордаги «Гулистон», Ғиждувондаги «Зарафшон» ширкат ҳўжалиқларида жойлашган кутубхоналарга 4 йил мобайнида бирорта ҳам янги китоб келтирилмаганлигини қандай тушуниш мумкин. Гап шундаки, маданий-маърифий масалалар бўйича Бухоро вилояти касба уюшмалари Кенгаши, тармоқ касба уюшма Марказий қўмитаси ва айрим вилоят тармоқ кўмиталари томонидан қабул қилинган қарорлар назоратга олинмаганлиги боис бажарилмай қозғода қолди келмоқда. Раёсат аъзолари ва иштирокчилари маданий-

Ғалла - 2004

ЖИРМОНГА БАРАКА

Ғалла - ризк-насибамиз манбаи. Уни нес-нобуд қилмасдан ва қисқа фурсатда саранжомлаб олиш агросаноат мажмуи ҳодимларининг шу кундаги долзарб ишига айланган. Бунинг учун аввало жирмон жойлари тахтлиб, техникани мавсумга шайлашга қатъа аҳамият қаратилган бўлса, шунингдек, механизатор ва ишчиларни моддий рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Денов туманидаги Шоқул Худойназаров номи ширкат ҳўжалиғида ҳам мавсумга пухта ҳозирлик қўрилди. Бу мавсум майдонлардаги донни сифатли йиғиштириб олишга имкон бермоқда. Ишчиларга кунига 2 маҳал иссиқ овқат ташкил этилган бўлиб, айни пайтда илғор механизаторлар ва ҳайдовчилар меҳнати муносиб рағбатлантирилмоқда.

Хўжалигимиз деҳқонлари ғалла етиштиришнинг ҳадисини олишган, дейди ширкат бошқаруви раиси Номоз Худойназаров. Утган мавсумда ҳар гектардан 60 центнердан қирмизи дон йиғиштириб олиб, давлат режаси ортиғи билан урдаланди. Ортгани хўжалик ишчиларига муқофот тариқасида тарқатилди, кам таъминланган, қаровчисиз кишиларни қўллаб-қувватлашга имкон берди.

Бундан ташқари, ғалладан олинган фойда ҳисобидан ишчи-ҳодимларимизнинг 60 нафари турли санаторийларда соғлиқларини тиклаб қайтишди. 70 нафар ишчиларимиз ва нурунийлар Самарқанд, Бухоро ва Шахрисабзга саёҳатга юборилди. Шулар қаторида ширкат ҳисобидан кам таъминланган оилаларнинг 30 нафар фарзандига суннат тўйи қилиб берилди. Ҳозиргача

Яхши ишлаб, яхши яшайтганлар

Жамоа шартномаси иш бевуғчи билан ҳодимлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишчи меъриий ҳужжат ҳисобланади. Ишчи-ҳизматчиларнинг асосан корхона билан боғлиқ муаммоларига ечим топувчи ҳужжатнинг ишлаб чиқаришга тўла таътиб этилаётганлиги боис «Оҳангароншиффер» ҳиссадорлик жамиятида ижтимоий масалалар йил сайин барқарорлашмоқда.

Агар бу борадаги қилинган ишлар қўлама назар солинса, жамоа шартномасининг ишчилар манфаати йўлида тутган ўрни яққол кўзга ташланади. Ҳолбуки, бир пайтлар бу корхонада ҳам бошқа айрим жойлардаги сингари номигагина уни қабул қилиб, сўнг маъмурийат ўзи билганча фаолият кўрсатган даврлар кўп бўлган. Лекин энди ундай эмас. Ташкилотда ишчилар моддий манфаатдорлигини ошириш билан боғлиқ тадбирларга разм солган киши бунга англаб олиши қийин эмас.

Аввало жамиятининг бугунги кунда иқтисодий-иқтисодий тутаётган ўрнига бир назар ташласак. Бозор иқтисодиётининг дастлабки ўтиш давридан корхонада ҳам ўзига хос муаммолар тўпланиб қолгани рости. Бироқ ҳукуматимизнинг муҳим тармоқни ривожлантиришга оид қарорлари ва жамоанин соҳани пухта ўзлаштиригани жамиятни қайта оёққа турғизиб, илғорлар сафидан ўрин эгаллашга имкон берди.

Утган йили корхонада кунига 30 минг дон шифер тайёрланди. Умумий соф даромад 1,6 миллиард сўмни ташкил этди. Ишлаб чиқаришда молиялаштиришнинг аниқ режаси шаклланганлиги ва ортиқча чиқимларга барҳам берилганлиги боис, ҳиссадорлар сарҳисобда ҳар акцияси учун 3 минг сўмдан дивидент олишга эришди. Ёки бир акциянинг номинал қиймати 100 сўмдан 1000 сўмга кўтарилди. Мухими, корхона ишлаб чиқаришдаги ютуқлари эвазига Парижда ўтказилган анжуманда иштирок этиб, халқаро муқофотга сазовор бўлди. Корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгандан буён ишчилар

касасида ишчи-ҳизматчиларни бепул доволлаш ҳамда олиши учун йўлланмалар ҳамиша мавжуд.

Ишчиларнинг фарзандларини ёзги соғломлаштириш муассасаларидан олишчи таъминлаш

ДИВИДЕНТ ШАРОФАТИ

бу қадар мўмай даромад олишмаганди. Қарилки таштини сураётганига анча бўлди, дейди пенсионер Болтабой Жонизоқов. Уша кезларда 100 дон акция бўлган. Мўмайгина дивидент олиб тўй қилдим, уйларимни таъмирлаб олдим.

Албатта, корхонанин ривож кўп жиҳатдан маҳалли мутахассислар ва серғайрат ёшларга боғлиқ. Шу боис бурноғи йили ёшларни касбага тайёрлаш ва билим-малакани ошириш учун 3 миллион сўм сарфланган бўлса, ўтган йилда бу рақам 18 миллион сўмни ташкил этди. Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга етарлича шарт-шароитлар яратиб бериш каби долзарб масалалар корхона маъмурияти ва касба уюшма ҳамкорлиғида амалга оширилди. Шу боис бу ерда иш ҳақидан қардорлик тугатилди. Ҳар бир ишчининг бажараётган юмуши ва унинг сифатига қараб ҳақ тўлаш жорий этилган. Янги оила қураётган ёшларга энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорда моддий ёрдам кўрсатилади. Ҳозирги кунда корхонада ўртача иш ҳақи 112 минг сўмни ташкил этаяпти.




Яхши ишлаган киши, мазмунли дам олиб, соғлигини тиклашга ҳаққи бор. Бу борада ҳам жамиятининг ўзоқни кўзлаган истиқболли режалари бир талай. Масалан, даволаниши учун ҳар бир ҳодимга энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдорда маблағ ажратилган. Бундан ташқари, жамиятининг доволлаш муас-

га ҳам эътибор қатъа. Йўлланмалар учун сарф-харажатлар жамоа шартномасига биноан эллиқка-эллиқ қилиб белгиланган. Айни чоғда «Фромголар мавсумга шай қилиб қўйилди. Меҳнат аҳлининг ҳар жиҳатдан ижтимоий ҳимояга олингани ва уларга етарлича шарт-шароитлар яратилганлиги ишлаб чиқаришда унумдорликка эришиш билан бирга, маҳсулот сифатининг орттишига ҳам имкониятлар очмоқда. Бу эса тайёрланаётган маҳсулотнинг эҳтиёждан ортисини четга экспорт қилишининг бош омилли бўлаяпти. Чунки, ўтган йилги мавсумда кўшни давлатларга «Оҳангароншиффер» ёрлиғи билан 503 минг АҚШ доллари миқдорда маҳсулот сотилди.

Энг муҳими, корхонада ортиқча чиқимга йўл қўйилишига барҳам берилган. Жумладан, бу ерда чиқиндилардан ҳам унумли фойдаланилади. Яъни истеъмолга яроқсиз шифер майдаланиб, муҳим қурилиш ашёларидан бири - шлакблок ишлаб чиқарилади. Бунинг йўлга қўйилганлиги эса янги ишчи ўринлари барпо этиш ва ёшларни фойдали меҳнатга жалб қилиш имконини берапти.

Хуллас, ҳиссадорлик жамиятида меҳнат аҳлининг кучли ижтимоий ҳимояга олингани ишлаб чиқаришдаги ютуқларнинг бош омилли бўлаяпти.

Абдусами ХАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири



(Боши 1-бетда) Абдуллажон бировнинг дўпписини бировга қийдиришдек ҳуфёна уйинларга устаси фаранг. 2002 йил 1 март куні Тўхтагул номи ширкат ҳўжалиғига «халис хизмат» кўрсатади. Макка саралаш-корхонасидан олинган омухта эмга пахталик-фуфайка, канцелярия молларини ҳам қўшиб, жами 3 миллион 400 минг сўмлик маҳсулотни ширкатга пуллади. «Шилармон»-лигига яна бир мисол. Бош ҳисобчи Саидмурод Ниёзов билан «яқдил» бўлиб ширкат ҳўжалиғини ёппасига «китобхон» қилишга қаришади. Омборга ҳар донаси 2000 сўмдан 840 минг сўмлик бадий китобларни қирим қилишни ҳам унутмайди. Бу орада тумандаги пах-

та тазалаш ҳиссадорлик жамияти орқали 2 миллион сўмлик «олди-сотди» қилиб, ҳамкорларни ҳам «шилишга» улгуради. Вилоятдаги «Андижон нон», «Ризк» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси мутасаддиларининг қўйнидан кириб қўлтигидан чиқади. 2002 йил 29 май-июн ойларида тузилган 19-сонли шартнома билан 5875 донга, жами 502 минг 325 сўмлик қўлиқлик нон савдосини пиштади. Қизилғи, юқоридаги ҳамтовоқларнинг бирортаси ё бош ҳисобчи, ёки корхона бошлиғи Абдуллажондан улгуржи ва чакана савдо-сотик учун лицензия-рухсатнома бор-йўқлигини сўрамайди. Эътилолнинг Тўхтагул номи ширкат ҳўжалиғини олайлик.

Адабиётлар билан савдо-сотик қилаётган «Китоб» акциядорлик жамияти бир четда қолиб, ми? Хўш, бу жарақ-жарақ пул тушумлари қаерга кетяпти-ю, ган». Назорат-касса машинаси ҳақида гапирмас ҳам бўлади. Мана ўзининг ғувоҳ бўлдингиз.

да, пинҳона «финтлари» кўргонтепалик солиқчиларни бефарқ қолдирмади. Тафтиш жараёнида Вазирилар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 269-сонли «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори талабларни қўпол равишда бузилганлиги аниқланди. Текширишда 2003 йил мобайнида на солиқ, на бошқа дахлдор идораларга ҳисобот топширилмаганлиги, оқибатда 21 миллион 327 минг сўм нақд пул тушуми яширилганлиги фож этилди. Сохта тижоратчининг солиқ идораларидан қочиб «чиллада» ўтиришининг боиси бор эди. 2004 йил 1 январ ҳолатига

7742,5 минг сўм дебиторлик, катта миқдорда кредитор қарзи, жорий йилнинг 1 март ҳолатига қўра солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан жами 484,9 минг сўмлик боқиманда-си борлиғи ойнланди. Кўпнинг ҳақи - хиндолнинг ўқи, деганлар, «Шилармон» ишбилармон солиқ қонунчилиғига қириб бергани учун 17 миллион сўмдан зиёд жарима тўлади, келтирилган барча зарарларни қоплади. Айни пайтда прокуратуранинг «қунда» шунда меҳмонига айланган. Қилмишлари чигиридан ўтказилаяпти. Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири

«ШИЛАРМОН» ИШБИЛАРМОН

ёхуд 21 миллион сўмлик нақд пул тушумини кассада эмас, кассада айлантирган сохта тадбиркор ҳақида

текин пулга тузоқ қўйган Абдуллажоннинг домига илинади. Пахталик «фуфайка» ёки канцелярия моллари олди-сотқисиди ҳам шундай «тил топишадилар». «Сендан угина, мендан бугина» дея ширкат пул маблағларини ноқонуний йўллар билан таққиланган бартор усулида талон-тороқ қилишининг ўзгисини шу эмас-

«ИШОНЧ» ХУҚУҚИЙ МАСЛАХАТХОНАСИ

ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТАЙ?

Саволларингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: Муассаса раҳбари мени 2003 йилнинг август ойида ҳўжалик ишлари билан шуғулланувчи ходим билан бирга бўлиб, унга ёрдамлашиб юришми буюрди. Шу кунгача унга ёрдам бериб юрибман, ҳар ойда ойлик маош ҳам оламан. Барча ҳужжатларни топширган бўлсам-да, меҳнат дафтар-чамга ҳеч қандай ёзув ёзилмаган. Яқинда пенсияга чиқишим керак. Қонун бўйича энди мен қандай йўл тутушим керак?

Р.АШУРОВ,
Жиззах вилояти, Пахтакор тумани

ЖАВОБ: меҳнат Кодексининг 74-моддасига асосан ишга кирувчи шахс билан меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади. Ишга қабул қилишни тўғри расмийлаштириш иш бевуқининг асосий вазифаси ҳисобланади. Ишга қабул қилишнинг қонуний тартибда расмийлаштирилмаслиги, яъни ёзма меҳнат шартномаси ва буйруқнинг йўқлиги, буйруқнинг меҳнат шартномаси мазмунига мувофиқ келмаслиги, ишга қонун бўйича талаб қилинадиган ҳужжатларсиз қабул қилиш ёки қонунда кўрсатилмаган ҳужжатларнинг талаб қилиниши, шартноманинг бир нусخаси ҳодимга берилмаслиги ва бошқалар, иш бевуқининг меҳнат қонунчилигининг бузилиши деб ҳисобланади.

Меҳнат Кодексининг 82-моддасига мувофиқ ишга қабул қилиш иш бевуқининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси буйруқ чиқариш учун асос бўлади.

Ходим билан ёзма меҳнат шартномасини расмийлаштиришга қонун ҳужжатлари қўйида талаблардан ташқари келгусида низолар пайдо бўлишининг олдини олиш мақсадига қуйидаги ҳолатларга эътиборни қара-

тиш зарур:
- шартномадаги шартлар аниқ баён қилиниши керак;
- шартномада тўлдирилмаган очик устун (банд)лар бўлмаслиги, ходим билан тузилган шартномага киритилмаган шарт бўлмаган устунга чиқиб тортилган бўлиши ёки шартномада ушбу шарт йўқлигини билдирувчи бошқа белги қўйилиши керак;

Ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ меҳнат шартномаси мазмунига мос ҳолда чиқарилади ва буйруқ ҳодимга имзо чектириб таништирилиши зарур.

Айрим ҳолларда ходимнинг ишга қабул қилиниши қонунда кўрсатилганидек расмийлаштирилмасдан, унга ишлашга рухсат берилмади. Бундай ҳолатлар кўпичина йирик корхоналарда бошқа вилоят ва шаҳарларда жойлашган муассасаларда содир бўлади.

Меҳнат Кодексининг 82-моддасининг 6-қисмига биноан ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг рухсати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат берилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганлигидан қатъий назар, иш бошлангун кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Башарти Қонуннинг талаби шундай экан, Сиз билан ёзма равишда меҳнат шартномаси тузилиши ва ишга қабул қилиш иш бевуқининг буйруғи билан расмийлаштирилиши зарур. Меҳнат шартномасида ва ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда Сизга ишлашга рухсат берилган кун ишга қабул қилинган кун деб ўша вақтнинг санаи кўрсатилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатга олинган «Меҳнат дафтарчаларини юриштиш тартиби тўғрисида Йўриқнома»га асосан Сизнинг меҳнат дафтарчаларига ишга қабул қилинганлигин-

гиз тўғрисида ёзув киритилиши керак. Бу масалада низо келиб чиқса, ариза билан меҳнат низоларини кўриб чиқувчи органлар: меҳнат низолари комиссиясига, туман фуқаролик судига мурожаат қилишга ҳақлиси.

САВОЛ: Меҳнат шартномасини ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қондалар бузилганлиги муносабати билан бекор қилинганда нималарга эътибор бериш зарур. Бу тартибларнинг бузилишининг олдини олиш учун ҳўжалик органлари, иш бевуқинлар ва мутасадди мутахассислар томонидан қандай ишлар амалга оширилиши керак?

Н.АБДУРАХИМОВА,
тиббий ҳамшира,
Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: меҳнат шартномасини тузишда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига, қонунларда ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган ишга қабул қилиш қондаларига тўлиқ амал қилиниши зарур. Бу қонун ва қондалар талабларига риоя қилинмаслиги натижасида Меҳнат кодексининг 106-моддасининг 4-банди, яъни ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қондалар бузилганлиги муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилинишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йилнинг 17 апрелидаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида»ги 12-сонли қарори мазкур асос бўйича ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкинлигини назарда тутди:

- суд ҳужмига қўра маълум мансабни эгаллаш ёки маълум фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги суд томонидан тайинланган вақт давомида ишга қабул қилиш;
- бир давлат корхонасида ўза-

ро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахсларни башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсиниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бундай ходимларни ишга қабул қилиш (МК 79-модда); (Қариндошларнинг биргаликда хизмат қилишларини таъкидлаш ҳақидаги қондалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарорига 3-сонли иловада белгиланган)

- қонунларда вояга етмаганлар ва аёлларни жалб қилиш таъқиқланган ишларга қабул қилиш.
Юқорида келтирилган ҳолатлар бўйича мисоллар узил-кесил эмас. Ана шу асос бўйича меҳнат шартномасини бекор қилишга ишга қабул қилишнинг белгиланган қондаларининг бошқача тарзда бузилиши ҳам сабаб бўлади.

Меҳнат муносабатларини қайд этилган асосларга қўра бекор қилиниши билан боғлиқ низоларини кўраётиб меҳнат низоларини кўрувчи органлар ишга қабул қилишда қандай аниқ бузилишга йўл қўйилганини ва бу меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўла олиши мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқламоғи зарур. Меҳнат шартномасини МК 106-моддасининг 4-банди бўйича бекор этилишига, агар ишга қабул қилинишидаги бузилишни тузатиш мумкин бўлмаса ва бу ишни давом эттиришга тўқинлик қилган ҳолдагина йўл қўйилиши мумкинлигини ёддан чиқармаслик керак.

Меҳнат Кодексининг 106-моддаси 4-бандига қўра меҳнат шартномасини бекор қилиш қонун кучи билан амалга оширилиши ва томонларнинг хоҳишига боғлиқ бўлмайди. Шу сабабли бу нарса қасаба уюшма қўмитасининг розилигисиз амалга оширилади. МК 109-моддасига биноан ходимга ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўша-тиш нафақаси тўланади, ишга қабул қилишнинг белгиланган қондалари ходимнинг айби билан бузилган ҳолларда МКнинг 109-моддасида кўрсатилган нафақа тўланади.

Ишга қабул қилишда қонун ва қондаларнинг бузилишига асосий сабабчилар бўлиб иш бевуқинлар, ходимлар иши билан шуғулланувчи мутахассислар ва

ҳуқуқшунослар (улар муассасада бўлса) ҳисобланади. Чунки улар қонунда белгиланган ҳужжатларни талаб қилмайди. Масалан, Меҳнат кодексининг 80-моддасида ишга қабул қилиш вақтида талаб қилинадиган ҳужжатлар кўрсатиб ўтилган. Уларга қуйидагилар кир-
ради:

- паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни, ун олти ёшгача бўлган шахслар эса, - туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва турар жойидан маълумотнома;
- ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чакирилувчилар тегишинча ҳарбий билетни ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус маълумотга ёки махсус тайёрларликка эга бўлган шахслар-
гина бажариши мумкин бўлган ишларга қираётганда олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломини ёхуд мазкур ишни бажариши ҳуқуқини берадиган гувоҳномани ёки бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этади.

Бундан ташқари муассасаларда штатлар жадвалини тузишда, ходим билан меҳнат шартномаси тузилиши ва ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилишида юқорида санаб ўтилганлар ҳамда иқтисодчининг айби билан лавозимлар нотўғри номланади. Масалан, «врач-методист, врач-статист» ўрнига «методист, статист», ёки «рўйхатчи олувчи тиббий ҳамшира, массаж бўйича тиббий ҳамшира-лар» «Рўйхатчи олувчи, массаж қилувчи» деб номланади. Бунинг натижасида бу лавозимларда ишловчилар қонунда белгиланган айрим имтиёзларни ололма-
дан сарсон бўлади.

Демак, иш бевуқини, муассасасини мутасадди ходимлари 1997 йилнинг 18 ноябрда «Ўзбекистон Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда 1997 йил 10 ноябрда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган, «Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларининг штатлар нормативи» тўғрисидаги ҳужжат талаблари тўлиқ бажарилмайди, юқори ҳўжалик органлари ҳамда қасаба уюшма қўмиталари томонидан етарлича назорат олиб борилмайди, чоралар кўрилмади.

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Саволингизга ҳуқуқшунос Зулфия Хўжаева жавоб беради

САВОЛ: Меҳнат шартномасини унинг мuddати тугаши муносабати билан МКнинг 105-моддасига асосан бекор қилиш тартиби тўғрисида маълумот берсангиз.

А.БАХРИДИНОВ,
Самарқанд шаҳри.

ЖАВОБ: меҳнат шартномасини унинг мuddати тугаши муносабати билан бекор қилишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, шартнома мuddати тугаши билан ҳар икки томон, яъни иш бевуқини ёки ходим тарафлардан бирининг хоҳиши бўлмаган тақдирда ҳам бекор қилишга ҳақлидир. Меҳнат шартномасини бекор қилишнинг бошқа асосларидан фарқи Улароқ (мисол учун томонларнинг келишувига қўра МКнинг 97-моддаси, 1-банди, ходимнинг ташаббуси билан МКнинг 99-моддаси), меҳнат шартномасини унинг мuddати тугаши муносабати билан бекор қилиш учун қўшимча музокаралар олиб бериш ёки томонларни оғохлантириш ва шу қабилар талаб этилмайди. Бу турдаги меҳнат шартномасини бекор қилиш учун фақат бир шарт яъни унинг амал қилиш мuddатини тугаганилиги етарлидир.

Амалдаги Меҳнат Кодекси ҳар икки тарафга меҳнат шартномасининг мuddати тугаган кундан бошлаб бир ҳафта ичида меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқини беради. Хусусан, меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ унинг мuddати тугаган куннинг эртасига, индинига ёки ҳафтанинг охири кунда ҳам чиқарилиши мумкин. Аввалги Меҳнат қонунлари Кодексига белгиланишича, меҳнат шартномаси айнан шартнома амал қилишининг охири кунда амалга оширилиши шарт эди. Агар шу мuddат ўтказиб юборилса, меҳнат шартномасини умумий асосларда бекор қилишга тўғри келар эди. Бу эса ўз навбатида ҳам иш бевуқинга, ҳам ходимга нуқулалйликлар туғдиради эди. Амалдаги Меҳнат Кодекси эса бу нуқулалйликларга барҳам берди.

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, меҳнат шартномасининг мuddати тугашига қарамадан меҳнат муносабатлари давом этаверса ва томонларнинг бири уни бекор қилишни бир ҳафта давомида талаб қилмаса, у ҳолда меҳнат шартномаси ноумуайин мuddатга узайтирилган ҳисобланади. Бундай ҳолатда бир ҳафталик мuddатнинг ўтказиб юборилиши иш бевуқини унун ҳам, ходим учун ҳам ҳеч қандай сабаблар билан узрли деб ҳисобланмайди. Шунинг учун ҳам ҳар икки томон меҳнат шартномасининг мuddати тугайдиган кунини ўзлари учун аниқ белгилаб олишлари зарур бўлади.

Тоғлар қафтида, сой қовоғида жойлашган бир маскан бор. Унинг оппоқ қояларидан эсган салқин шабадаси, жилғалардан уфурган фараҳбахш ҳуш ҳавоси билан инсонларга сихат-саломатлик улашур. Ер остидан, тошлар орасидан силқиб чиққан маъданли суви билан минг дардга даво. Соҳоватли одамларнинг ширин муомаласи эса ҳар қандай беморнинг кўнглини кўтариб, оёққа турғизур. Парвардигор бу масканга кўз тегмасин, экологик офатлар хуруж қилмасин, деб уни ҳар тарафдан баланд тоғлар билан ўраб қўйиб, Ут-ўланлар, дарахтлар кўн-кўк ўссин, деб ундан оби-ҳаётини аямаяган. Уз гўзаллиги ва таровати билан Тошкентнинг Паркенти-ю, Бўстонлиғидан, Фарғонанинг Шохимардонидан, Жиззахнинг Зоминадан қолишмайдиган бу маскани Косонсой дейдилар.

Яқин вақтларгача бу ерларда иккитагина сихатгоҳ бор эди. Бири қасаба уюшмаларига қарашли «Косонсой» санаторийси бўлса, иккинчиси Наманган вилояти тиббиёт ходимларининг пансионати эди. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 24 январдаги 30-сон қарорида бошқа кўп тадбирлар қатори Косонсойда уруш ва меҳнат фахрийлари учун сихатгоҳ барпо этиш белгиланди. Замон талабларига ҳар тарафлама жавоб берадиган, бутун умри, куч-қувватини халқ хизматига бағишлаган отахон ва онахонларнинг кўнглига ёқадиган бундай оромгоҳни бунёд этиш вазифаси Мухаммадалихон Сайфуллаевга топширилди. Чорак аср муқаддам Тошкент педиатрия институтини битириб, Наманган ва Косонсойда врач, шаҳар марказий поликлиникасида, «Олмазор» бола-лар санаторийсида, «Косонсой» санаторийсида бош врач лавозимларида ишлаб, ташкилотчилик ишларида катта тажриба орттирган М.Сайфуллаев бу масъулиятни вазифани бажаришга зўр ғайрат билан киришди. Унга Косонсойнинг ўнг қирғоғидаги ташландик бир бино берилди. Бу бино тезликда таъмирланиб, атрофидаги 8,5 гектар майдон кўкаламзор ва гулзорга айлан-тирилди. Беш ойдан камроқ вақт ичида 75 ўринли оромгоҳ отахон ва онахонларни ўз бағрига олди, ўша йилнинг ўзида мингдан ортқ киши хордик чиқариб, даволанди. Шу билан қифояланиб қолинмади. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Наманган вилояти ва Косонсой туман ҳокимликларининг мадади, жамоат ва тижорат ташкилотларининг кўмағи, аҳолининг ҳашари билан 70 миллион сўмлик иш бажарилди, ўтган йили яна 75 ўринли бино барпо этилди. Минерал сув би-

лан даволайдиган ваннахоналар, турли-туман дардлардан фориг этувчи муолажа хоналари ишлай бошлади. Тумандаги саховатли

НУРОНИЙЛАРГА ЁҚҚАН САНАТОРИЙ



кишилар 50 тага яқин гил-ла ва палослар, яна бир қанча жихозларни совға қилишди. Тиббий ҳамшира Оминахоннинг айтишича, уруш ва меҳнат фахрийлари билан даволаш билан бирга хоҳловчи кишилар учун 10 ўринли локс хоналар ташкил этилди. Ундан тушган пул гас, электр ҳақи ва бошқа тўловларга ҳамда қарияларнинг овқатланишини яхшилашга ишлатилмоқда. Учқўрғондан қўнб келган врачлар оиласи - Маҳмудхон ва Хусайибой Юсуф-жоновлар ҳамда бошқа айрим шифокорлар ўз ҳисобларидан хорижий даволаш аппаратлари сотиб олиб, озгина ҳақ эвазига отахон ва онахонларга қўшимча шифо беришни йўлга қўйдилар. Тиббий ходимлардан Оминахон Сайфуллаева, Сойибжон Мирзаев, Наргиза Қозоқова, ошхона ходимларидан Аҳадхон Али-хонев, Нодира Бобоева, Муқаддас Зиёевалар ўзларининг яқин муомаласи билан қариялар дуосини олишмоқда.

Шу кунларда Хоразму Қорақалпоғистон, Бухоро-ю Навоий, Сурхондарё-ю,

Юртимиз шифо масканларида

Қашқадарё, Жиззаху Сир-дарё, Тошкентдан келган нуруний отахон ва онахонлардан ташаккур сўзларини эшитиш мумкин. Фарғона водийси кескалари учун бу ер бир қадам жой экан.

Мен кўп жойларга шифо истаб бордим, «Товқосой» ва «Олтиарик» санаторийларида бўлдим. Бу ернинг оромбахш ҳавоси-ю, шифобахш маъданли суви менга жуда ёқди, - дейди 1-гурух уруш ноғирони, Навоий вилояти Хатирчи туманилик 82 ёшли Хамро ота

сонсой дарёсининг шовул-лаши эшитилади. Дарёдан насослар ёрдамида чиқарилган сув эса мевали дарахтзор, экинзор ва майсазорларга оби-ҳаёт бахш этади. Санаторий дарвозаси ёнидан андаккина юрилса, Шохсафед қирлари бошланади. Унга аста-секин кўтарилган кишининг димоғига анвойи гиёҳлар хиди урилади. Юқорида борганингиз сайин ёқимли ҳаво уммонидан баҳра olasiz. Кавказ, Крым ва Болкон тоғларига кўп марталаб қадам ранжида қилган шу сатрлар муаллифи «Ўз юртимизда ҳам ажойиб сайроғоҳ ва оромгоҳлар барпо қилса бўлар экан-ку!» деб хитоб қилган келади. Бу сўлим сихатгоҳни бунёд этган ва бутун ҳаётини Ватан равнақи, халқ тинчлиги ва фаровонлигига бағишлаган қариялар дуосини олаётган кишиларга офарин айтгимиз келади.


Аммо ҳали санаторийнинг ҳолатини тўқис дейиш қийин. Кўпни кўрган отахон, онахонларнинг илтимосига биноан келгусида бажарилиши лозим бўлган ишларни айтиб, тилаклар билдирмоқчимиз. Айлана душ, сув ости массажи ишга тушмаган, ингалляция хонасининг ишида камчиликлар бор. Муолажа хоналарининг санитария ҳолати кўнгилдагидек эмас. Овқатнинг хилларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, фойеларга со-
вуткичлар қўйиш керак. Соя-салқин жойларда қарияларнинг дам олиб, сухбат қуриши, шахмат-шашка ўйнаши учун уриндиқлар етишмайди. Қир-адирларга чиқиш учун қулай йўллар барпо этилса, яхши бўлар эди. Нихоят, санаторийга би-
ричи бор келувчилар, айниқса ўз машинасида келувчилар учун йўл қўрсаткичлари қўйилса, айтиш мумкин. Кўп чиким ва меҳнат талаб қилмайдиган ана шу ва шунга ўқаш нарсаларни амалга оширишда санаторий мазмуриятига маҳаллий ҳокимият идоралари ва ҳоимийлар ёрдамларини аямасликларига ишониб қоламиз.

Раъно ХАЛИМОВА,
фахрий журналист,
Собит ТИЙРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.



Қашқадарё вилоятида кейинги йилларда аҳоли саломатлигини муҳофазалашда эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоят 2-сон кўз касалликлари шифохонасида инсоннинг энг нозик органларидан бири-кўз операциялари муваффақиятли бажарилмоқда. Юксак малакага эга бўлган шифокорларнинг сазй-ҳаракати тўғрисида беморлар ёруғ жахонни кўришдек юксак бахтга эришмоқдалар. Шаҳрисабздаги мазкур шифохона 100 ўринга эга бўлиб, бу ерда ўз касбининг фидойилари меҳнат қиладди.

Суратлар: бўлим бошлиғи, врач Ж.Ашуров, катта ҳамшира Қ.Низомова беморлар билан; ҳамшира Х.Қораева. Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар



Қашқадарё вилоятида кейинги йилларда аҳоли саломатлигини муҳофазалашда эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоят 2-сон кўз касалликлари шифохонасида инсоннинг энг нозик органларидан бири-кўз операциялари муваффақиятли бажарилмоқда. Юксак малакага эга бўлган шифокорларнинг сазй-ҳаракати тўғрисида беморлар ёруғ жахонни кўришдек юксак бахтга эришмоқдалар. Шаҳрисабздаги мазкур шифохона 100 ўринга эга бўлиб, бу ерда ўз касбининг фидойилари меҳнат қиладди.

МАКТАБ ВЕБ-САҲИФАСИ ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

АҚШ Давлат департаменти ва Global School Foundation халқаро таълим ташкилотининг таълим маъмуриятлари билан ҳамкорлик қилиб, америкалик ўқувчилар билан тажриба алмашиш имконини беради.

Бу гуруҳ танлаган соғлиқ ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мавзуси дунё микёсида долзарб ҳисобланади. Шунинг учун 40 мамлакатдан қатнашган 183 мактаб орасида мазкур мактабнинг Веб-саҳифаси энг юқори баҳо олди. Мактабга берилган махсус сертификат жамоатга АҚШ мактаблари билан амалий ҳамкорлик қилиш, америкалик ўқувчилар билан тажриба алмашиш имконини беради.

(ЎЗА)

ФЕРМЕРГА ЕЛҚАДОШМИЗ

Меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимояси қасаба уюшмалари зиммасида. Бу масъулиятни вазифани адо этишда жамоат ташкилотларининг ўрни қандай бўлади? Мулк шакли ўзгариб, турли ресурслар мулкдорлар қўлига ўтаётган бир шaroитда қасаба уюшма конъюнктура сезиялатми?


Ташкилотимиз том маънода янги-ча шаклланиб улгурди. Эндиликда Х.Норчаев номи ҳўжалик худудидига 80 дан ортқ фермерлар билан ҳамкорликда иш олиб бораётиз. Бу-
гунги иш бевуқининг табиати ўта нозик. Чунки у кам маблағ сарфлаб, кўпроқ даромад олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Каминани фуқаролар йиғини қўшидаги худудий қасаба уюшма ташкилотини етакчилик саялаганларида бу ҳақда кўп ўйладим. Халқ ишончи қанот. Аммо янги шаклланган ташкилотимиз ҳисоб-
хисаб маблағ йўқлиги қўнглини хижил қилиб турарди. Бос устига 800 нафарга яқин дала ишчилари ижтимоий қаролатларини таъминлашнинг, ойлик маоши, бошқа молиявий муаммоларини ҳал этишим лозим эди. Янги шаклда иш бошлаганимизга

мана икки ой ҳам тўлди. Бу фурсатда нимага эришдик. Энг аввало ишни фермер ҳўжаликлари раҳбарлари билан мулоқотдан бошладим. Фермерларга яратиб бериш мумкин бўлган шарoитни ўргандим. Мулк эгалари ҳуқуқ ва бурчлари, иш бевуқини вазифаларини уларга уқтиришга интилдим. Фермерлар уюшмаси билан имзоланган жамоат шартномасининг ҳар бир банди билан таништирдим. Илк натижалар чакки эмас. Аввало барча фермер ҳўжаликларида ишлаётганларни бир маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминлашни зиммаларига олишди. Турри бу тадбирни рисоладагидек ошхона шарoитида эмас, балки далада мўжаз шийпончада қозон қайнайдиغان бўлди. Кейинги юмушимиз ҳар бир пайкалда деҳқон уйчаларини барпо этишга қаратилди. Ахир жазира-ма иссиқда ишлаган ишни бир фурсат дам олишни қайсибир дарахт ёки бетон ариқ соясига эмас, рисоладагидек озода шимнаг гушада ўтказганига не этди. Фермерлар бу ерларга радио, қўн-
длик матбуот нашрларини етказиб беришни ҳам зиммаларига олишди.

Энг асосийи, меҳнатга тўланадиган ҳақдор. Далада ишлаган меҳнатқаш ҳақини сўраб фермер эшигида махтал бўлмаслиги керак. Шу боис ҳар бир мулкдор меҳнат ҳақини далада тарқат-
тадиган бўлди. Бажарилган юмуш қотиб қолган, дарров ҳисоб-китоб қилишга келишиб олинди. Ақсарият фермер ҳўжаликлари раҳбарлари далада ишлаётганларни ойлик маошдан ташқари қишлоқ ҳўжалик махсуслот билан таъминлаб туршини ҳам зиммаларига олишди. Худудимиздаги банқдан ҳисоб рақами очиб, пул тушуришни ҳам ташкил этдик. Эндиликда фермер далаида ишлаётган ходим ҳам турли сихат-гоҳларда дам олиш, саломатлигини му-
стақамлаш имконига эга. Бу маблағларнинг муайян қисмини фермерлар қўришига розилик билдиришди.

Хавфсиз иш шарoити яратиши, меҳнатқашлар саломатлигини мустақамлашга маблағ ажратилиши ва вазифаларга ҳам киришдик. Энг муҳими, фермерлар қасаба уюшма билан ҳамкорлик қатта самара беришини аниқлаб етишди. Уларнинг ақсарияти ҳуқуқий маслаҳатлар олиш, меҳнат муаммоларини ҳал этишда ташкилотимизга суян-
тиш қолди. Демократик янги шарoитда ҳам қасаба уюшма ўз ўрни, мақе-
дини топа олди.

Исом ИБРОХИМОВ,
Ховос туман Меҳнатобод фуқаролар йиғини қўшидаги бошланғич қасаба уюшма ташкилоти раиси



Тошлок туман халқ таълими бўлимида ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Касаба уюшма вакиллари билан белгиланган жамоа шартномаси шартлари

нинг бажарилиши доимий назорат остига олинган. Шунинг учун ҳам иш ҳақи тўлаш, дам олиш, бепул тиббий кўриқдан ўтиш каби талаблар тўлақонлиқ уйдаланмоқда.

Суратларда: (ўнгдан

чапга) туман касаба уюшма вакиллари вакили Усмонбек Давронов, «Шифо» хусусий поликлиникаси вакили Одилов Турсунбоев билан; терапевт Дилбархон Ҳошимова, халқ



таълими бўлими услубчиси Салимжон Мадаминов ва психиатр Манзура Йўлдошевлар тиббий кўрик натижалари ҳақида суҳбатлашмоқда.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Хабарлар оқимидан

БОЛАЛАРБОП КИТОБЛАР

Лотин ёзувида асосланган янги ўзбек алифбосида кўп қитловлар чоп этилмоқда. Болалар учун лотин имлосида босиб чиқарилаётган кўп қитловларнинг кўпчилиги «Шарк» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси бош таъхиратида ҳузуридаги болалар адабиёти бўлими махсуслотлари ҳисобланади.

Давр талаби билан юзага келган ушбу бўлим ташкил топганига беш йил бўлди. Шу ўтган давр мобайнида болаларбоп талайгина кўп қитловлар чоп этилди.

«Ўзбек халқ эртаклари», «Жаҳон халқлари эртаклари» тукумидан тақдим этилган китоблар ёш китобхонларга манзур бўлмоқда.

«Ўзбекистон эртаклари» талповида голибликни қўлга киритган ижод намоналари ҳам босма юзини кўрди. «Болалар кутубхонаси», «Бўғчага-дўмбоқчага» рўқнари остида чиқарилаётган кўп қитловлар ҳам кенг оммалашмоқда.

Бўлим орқали нашрлардан чиққан болаларбоп китоблардан 140 дан ортиқ номдаси тақдим этилди.

КЕНГ ОММАЛАШГАН ЖУРНАЛ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ўзининг бир неча матбуот нашрига эга. «Халқаро муносабатлар» деб номланган журнал эса ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилмоқда.

Ушбу журналнинг нуфузи ортиб, янада ўқимишли бўлиб бормоқда. Унинг сонларида халқаро муносабатларнинг илмий-назарий масалаларига, олий ўқув юртининг чет мамлакатлар билан ҳамкорлиги, таълимда қўлланилаётган мақолалар кенг ёритилмоқда. Шу сабабли бу нашр Ўзбекистоннинг чет мамлакатларидаги элчиликларига, жаҳондаги нуфузли олий ўқув юртига ҳам жўнатиб турилади.

«Халқаро муносабатлар» журналнинг навбатдаги сони ҳам маъмулий материаллар асосида журналхонларда қизиқчи уйғотди.

ЛОЙИХА МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Ўзбекистон ва Япония ўртасида соғлиқни сақлаш тизими бўйича ҳамкорлик доирасида «Хамширалик таълими тизимини яратиш» лойиҳаси ҳам амалга оширилмоқда. Бу хайрли ишга қиришишганига беш йил бўлди.

Бу лойиҳанинг самарали бўлишини таъминлаш мақсадида Япония ҳукумати 2003 йилда 292 миллион йен, микродоғна маблағ ажратди. Утган шу вақт ичида республикадаги 53 та тиббиёт коллежи ва 6 та олий ўқув юрти дарсилчилари зарур техник асбоб-ускуналар ва кўргазмали ўқув жиҳозлари билан таъминланди.

«Хамширалик таълими тизимини яратиш» лойиҳаси бўйича кўзда тутилган режалар низоҳасига етди. Шу муносабат билан биринчи республика тиббиёт коллежида анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги, Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги вакиллари иштирок этган бу тадбирда коллежга янги ўқув-техник жиҳозлар мажмуаси топширилди.

Лойиҳани 2009 йилгача узайтиришга қарор қилинди.

Шу муносабат билан хамширалик ишчи ривожлантириш бўйича қатор грантлар ажратилди.

И.АЛИМОВ

Туман ҳокимининг ўринбосари Дилором Расуллова, «Маҳалла» жамғармаси раиси Султон Олимов, халқ таълими бўлими мудири Энгел Юсупов, бош врачнинг онали ва болаликни муҳофазалаш бўйича муовини Имомиддин Қурбонийёзов «Бўстон» овулига етиб келишганда зуррибд ёшидаги аёллар ва ўсимир кизлар тўпанини бўлишганди. Ушунга қўриқиб туриш вақтида Собирова бошлиқ шифокорлар гуруҳи хотин-кизларни тиббий кўриқдан ўтказиб, тегишли маслаҳатларини берган эди.

«Давра суҳбати» жуда қизиқарли ва мароқли ўтди. Туман фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлими мудири Д.Мадиёрова «Сиз турмуш қуришга тайёрми?» акusher-гинеколог Н.Ражабова «Соғлом онадан соғлом бола дунёга келади», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раҳбари Ж.Ўқубоев «Еш авлод - миллатимиз келажиги», «Манъавият ва маърифат» маркази етакчиси Ф.Бобонозова «Ўсимир кизларнинг маънавий маданияти» мавзусида чиқиш қилдилар.

Қорақалпоғистоннинг чекка ҳудудларидан бири ҳисобланган Беруний туманида репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўлими тадбирлар амалга оширилмапти. Айнисига оила тиббий маданиятини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш алоҳида эътибор берилмапти. Туман ҳокимлиги, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Нуроний» жамғармалари, халқ таълими бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ФХДБ бўлими, марказий шифохона ҳодимларидан иборат ишчи гуруҳ мавжуд 11 та овул ва 16 та маҳалла аёллар ва ёшлари ўртасида «Соғлом онадан соғлом фарзанд туғилди» мавзусида суҳбатлар

ушуртирдилар. «Бўстон», Беруний номи, «Кийётобод» фуқаролар йиғинларида ўтказилган «Соғлом оила - жамиятимиз негизи» мавзусидаги мулоқотлар учрашув қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Еш қизларни турмушга тайёрлаш, соғлом оилани шакллантириш, эрта турмуш қуриш ва қариндошлар орасидаги никоҳнинг олдини олиш бўйича бир мунча ишлар қилинди. Ёшларни оила қуришга тайёрлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида «Оила дорилфунуни» ташкил этилган, машғулотларда юзлаб ўсимирлар иштирок этиб, билимларини оширишди.

«Оила ва никоҳ Кодексининг 17-моддасида никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш мажбурияти белгилаб қўйилган. Демак, фарзанд кўриш учун масъул йигит-қиз ҳаётга ҳар томонлама тайёр бўлиши керак. Никоҳни қайд этиш пайтида тиббий кўриқдан ўтганлиги тўғрисида маълумотлар бўлмаса, ҳужжатлар расмийлаштирилмайди. Олиб борилаётган ишлар

чева Елена Винтовкина, Бахтиёр Нормонов ва Гуднона Ҳўжамуродова, Мақсуд Йўлдошев ва Нигора Отабова оилаларини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Туманда 41200 дан ортиқ туғиш ёшидаги аёллар мавжуд. Уларнинг 32 мингтаси тиббий кўриқдан ўтказилди. Яқинда шифокорлардан иборат патронаж гуруҳи марказдан ача олисда жойлашган Қизилқалъа овули аёлларининг соғлигини ўрганиб, ўзларининг тегишли маслаҳатларини бердилар, тиббий ёрдам кўрсатдилар.

Камқонлик касали билан оғриган ҳомиладор аёлларнинг 79 фоизи стационар шарафидан фойдаланишди. Мингдан ортиқ оналар шифохонада даволаниб чиқди. 1100 нафар янги туғилган чақалоқларга патронаж ёрдами кўрсатилди.

Исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар қўрилмапти, дейди биз билан суҳбатда туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-кизлар қўмитаси раиси Д.Расул

Репродуктив саломатлик

ижобий самарасини бермоқда. Йил давомида 450 та никоҳ қайд этилган. Турмуш қурганлар бахтли ва фаровон ҳаёт кечирмоқдалар. Собир Аминов ва Дилноза Машарипова, Виктор Ермолов

«Фарзанд кўрган ҳар бир аёл тиббиёт ҳодимлари маслаҳатларига амал қилиши керак. Турғудан кейин тўлиқ қайта тикланмаган, заиф организмда янги зуррибд пайдо бўлиши турли касалликларни келтириб чиқариши мумкин.

Исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш мақсадида ўн мингдан ортиқ аёлларга контрацептик воситалар қўйилди. Туғма ногиронликнинг олдини олиш учун чақалоқлар «Она ва бола скрининги» марказида таҳлиллар ўтказилапти.

ЮНИСЕФ ташкилоти ёрдамида 6 ойдан 2 ёшга бўлача болаларга витаминли таблеткалар, 4 мингдан ортиқ туғиш ёшидаги аёлларга камқонликка қарши таркибиде таъмир сульфат моддаси мавжуд дори-дармонлар тарқатилди. Хорижий халқаро хайрия ташкилотлари томонидан 4 миллион дونا витаминли дори-дармонлар келтирилди.

Туманда 6 мингдан зиёд ўсимир кизлар бор. Уларга болалар врач ва гинекологлар бериб бериб қўйилган. Тегишли рағбат натижасида касаллиги аниқланган 200 нафар ўсимир шифохоналарда даволаниб, соғломлаштирилди.

Оролбўйинида эволютик шарафидан аҳоли соғлиғига доимий эътиборни тақозо этади. Насл тозалани оналар ва болаларнинг соғлиғига боғлиқ. Ҳар бир оилада тиббий маданият қарор топгандагина бу соҳада муваффақиятга эришиш мумкин.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

Куюнчак дил изҳори

Табиатни муҳофаза қилиш - инсоннинг оғли ва аниқ бир мақсадли фаолиятидир. Мавжуд манбалардан мақсадли мувофиқ фойдаланишни таъминлаш, давлат ва ижтимоий тадбирлар тизими орқали амалга оширилади. Табиатни муҳофаза қилиш шакллари - консервациялаш (вақтинча тўхтатиб қўйиш) табиий объектларга оқилона муносабатда бўлиш, атроф-муҳитни химоялаш, соғломлаштириш ва яхшилашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 50- ва 55- шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 48- ва 53-моддаларида табиатни муҳофаза қилиш бўйича фуқаролар мажбурияти ва табиий муҳитдан оқилона фойдаланиш зарурлиги, унинг давлат муҳофазасида эканлиги алоҳида белгиланган. Конституциянинг шу моддаларидан келиб чиққан ҳолда 1992 йилнинг 9 декабрида Ўзбекистон

муаммолари тобора кескинлашиб бормоқда. Одамлар табиатдаги мавжуд нарсаларни ўзгартирганлар, аммо табиатдаги учрамайдиган нарсаларни ярато олмаган. Улар ўзлари яратган нарсалар асоратига тушиб қолган ҳолат ҳам бўлган. Масалан, ўн йиллар давомида жамоат фикрини чалғитиб, атом электростанцияларини мутлақо хавфсиз деб ишонтириб келганлар. Бу фикрнинг нотўғрилигига Чер-

ИНСОН ВА ТАБИАТ

уйғунлигини таъминлайлик

Республика «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонун табиий муҳит шарафидан сақлашни, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради.

Инсон табиатдан фойдалана бориб, янги шарафидан ҳосил қилади, географик муҳитни ўзгартиради, табиатда кечадиган табиий айланув ва модда алмашинув жарағини таъсир кўрсатади. Бундай таъсирнинг салбий оқибатлари табиатдаги мувозанатга зарар етказсади, инсон ва биосфера мувозанатининг бузилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун табиатдан фойдаланишда унинг муҳофазасига эътибор бериш объектив зарурият бўлиб қолди. Табиатни муҳофаза қилиш инсонларнинг муҳим вазифаси эканлиги ва бу ҳозирги авлод манфаатларидан келиб чиқиши эмас, балки келгуси авлод манфаатларини инобатга олиб ҳал этилиши зарур. Инсон фақат ўзи ҳақида қайғурмай, балки ўзидан кейинги яшайдиганлар ҳақида ҳам ўйлаши керак. Қадимги Шарқ ҳикматларида «Агар ҳар бир инсон бирор болалик тарбия қилганда, бирор уй қурмаган, бирор дарахт экиб ўстирмаган бўлса, унинг умри эса кетган ҳисобланади» дейилган.

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишда асосий эътибор ҳавонини муҳофаза қилиш, ер, сув ресурслари, ер ости бойликлари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсидан мақсадли мувофиқ фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, табиий муҳит ва ифлослик тарқатуви манбалар устидан давлат нозиратини қайта қуришга, бу ишларда жамоат ташкилотлари ва аҳолининг иштироки таъминлашга ва усулларини кенгайтиришга қаратилиши мумкин аҳамият касб этади.

Табиат билан уйғун муносабатини қарор топтириш, табиий ресурслардан фойдаланишда эҳтиёткорона иш юритиш, экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудлар ҳолати ёмонлашувининг олдини олиш

нобли фожиаси аққол мисол бўлади. Бу фожиа натижасида келиб чиққан моддий зарарлар вақтлар ўтиши билан қопланиши мумкин. Аммо одамлар қурбон бўлиши, радиактив зарарланишлар натижасида ногирон фарзандларнинг туғилиши, кишилар ўз юртини ташлаб кетишлари, шакланган ҳаёт тарзларининг бузилиши, умуман, табиатга етказилган зарарни пул билан ҳам қоплаб бўлмайди.

Кишлоқ ҳўжалигининг экстенсив ривожлантирилиши, янги экин майдонларининг ўзлаштирилиши, келарди ва керасиз бўлган сув омборларининг қурилиши нафақат Орол денгизининг қуришига, балки энг даҳшатлиси, катта бир ҳудуднинг яшашга яроқсиз бўлиб қолишига олиб келиши мумкин.

Узоққа бормайлик, вилотиимиз ҳудудида даҳшатли манзаранинг гувоҳи бўла-ти. Масалан, Айдар-Арана-сий сув ҳавзасида баллиққа бўлаётган «хужум»ни оилалик табиат инъомини бўлган сув ҳониворининг етиштириш, қўйлаштириш ўрнига илгинган баллиқни сотиш иштиникида бўлганлар кун сайин кўпайиб бормоқда. Урчиш пайтида баллиқ овлаш тақиблаб қўйилган бўлишига қарамай, ақсари ҳолларда бунга риоя қилинмайди. Ахир бир донда баллиқ бир неча минглаб тўхум қўяди. Агар улар ривожланиб етишса борми, мазкур ҳудудда катта консервация заводи очса бўлади.

Яна бир мисол. Охириги йиллар мобайнида чўл ҳудуди туманларда қадим ўстирилган дарахтларнинг кескин камайиб кетишини қандайд баҳолаш мумкин. Бу манзарани ҳам дарахтларга бўлган «хужум» деб аташ ўринли. Айрим «тадбиркорлар» вагон-вагон дарахтларни кесиб, бойиш йўлига ўтишди. Ахир ота-боболаримиз «Бирини кессанг, ўрни э» деб бежиз айташганми-ку.

Демак, инсоннинг табиатга таъсири инмонки қадар салбий оқибатларга олиб бормаслиги учун теккор чора-тадбирлар қўрилмоғи жоиз.

Ф.РАҲМОНОВ, Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгаши бўлими мудири

МЕҲРИБОНЛИК УЙИГА МУСАВВИРЛАР ТУҲФАСИ

Тошкентдаги 31-меҳрибонлик уйига таъвирий санъатнинг амалий-декоратив жанри ижодкорлари томонидан яратилган эликдан зиёд асарлар тақдим этилди.

Ўзбекистон Бадий академияси аъзолари, расом ва ҳайкалтарошлар ўзлари яратган санъат асарларини мазкур меҳрибонлик уйига туҳфа этишди. Эро, санъатта ошффта қўнғидан асло ёмонлик қилмади.

Тадбир сўнгида тарбияланувчилар меҳмонларга ўз концерт дастурларини намойиш этишди.

ШАХСИЙ КЎРГАЗМА

Республика Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Мурод Умаровнинг шахсий кўргазмаси очилди.

Ўзбекистон Бадий академиясининг аъзоси Мурод Умаров кўпгина республика ва халқаро кўргазмалар иштирокчиси ҳисобланади. Расом яратган асарлар аини пайтда Андижон ўлкашунослик музейида, Тошкент ва Бишкек санъат музейларида сақланмоқда. Кўргазмада расомнинг юзга яқин асарлари намойиш этилмоқда.

— Кўргазмада намойиш этаётган асарларим орқали томошбинга юртимиз гузаллигини оддий тошлар ва ранглар билан кўрсатишга ҳаракат қилганман, — деди расом. — Бундан ташқари, самийий, соддалик инсонлар образи оддий бўёқларда акс эттирилган.

Кўргазманинг очилиш маросимида мусаввир Мурод Умаровга Ўзбекистон Бадий академиясининг махсус дипломи топширилди.

«МОЗИРАН САДО»

Бухоро вилоят маданият ишлари ва К.Бехзод номидаги санъат музейи бошқармаси ташаббус билан расом ва ҳайкалтарошлар ўртасида ўтказилган вилоят кўрик-танловини юқоридаги чина номланди. Унда таъвирий санъат вақилларидан ўн икки киши иштирок этди.

Танловда таниқли расомлар Музаффар Абдуллоев, Асад Барноев, Мурод Истамов, Раҳмон Авазов, Асат Собиров ва бошқаларнинг Бухоро тарихи ва Турон, Сўғдиёна, Мовароуннаҳрда яшаб ўтган тарихий шахслар билан боғлиқ мавзудардаги ишлари намойиш қилинди. Айнисига, афсонавий Тўмарис ёки чўпон Широк, Мўнана сингари лашкарбонлар, миллий қаҳрамон Махмуд Таробий, шoir Рўдакий, тиббиёт оламиди шухрат қозонган Ибн Сино, Поёканд ва Варахша харобалари таъвирлари расомлар томонидан низоҳатда ноэик дид билан чиқарилди.

Биринчи ўрин «Тонг» таъвирий санъат студияси раҳбари Раҳим Ҳакимовга «Тўмарис», «Широк», «Мўнана» ишлари учун берилди. Иккинчи ва учинчи ўринларни А. Барноев ва А. Собировлар эгаллашди.

Мазкур кўрик-танловдан сўнг Наршахий номидаги кутубхона расоми Нурия Эргашева ва кулол Мархабо Навшавоновларнинг кўргазмаси очилди.

«Туркистон-пресс»

Касаба уюшма спорти

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ҳодимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Қашқадарь вилояти вакилликнинг тармоқ спартакиадаси бўлиб ўтди.

ТАРМОҚ СПАРТАКИАДАСИ

Қарши шаҳрининг марказий «Насаб» ўйингоҳида ташкил этилган мусобақада вилоятнинг барча туманларидан йигирмага жамоа иштирок этиди. 260 нафар касаба уюшма аъзоси минн футбол, волейбол, шохмот, шайка, стол теннисига ҳамда энгил атлетика каби спорт турлари бўйича голиблик учун баҳс бўлиб борди. Катта спорт байрами сифатида зўр кўтаринчилик билан ўтган спартакиада башлашуваридида вилоят давлат маъмурият қўмитаси оқоқлар бўйича голибликни қўлга киритди. Кейинги ўринлар эса вилоят иқтисодиёт бошқармаси ҳамда Қарши туман жамоаларига насиб этди.

ХАЙВОНЛАР ЧАНҚАСА

Энг кўп сув ичадиган ҳайвон - фил. У юз литр сувга аранг қонади. Уларнинг сув ичиши ҳам жуда қизиқ.

Фил ҳартумга айланиб кетган бурни ва лаби билан сув ичди. Ҳартумига бир йўла 10-20 литр сув симириб, сўнг уни оғзига қўяди. Фил боласи ҳартуми орқали сув ичишини билмайди. У тиззалаб олади-да, сувни оғзи билан сўради.

Шундай ҳайвонлар борки, улар ё кўли билан ёки думи билан сув ичди. Жанубий Америкадаги йиллоки деган маймун, одамсимон гибсон ва бошқа айрим маймунлар дарахтдан тушиб қўлини ҳўллайдилар-да, кейин уни шимади. Панда деган мушқумон айиқ ҳам ҳўл сўгини ялаб чанқоғини босади. Павлана деган итмушқу маймуннинг сув ичиши ўзига хос. У думини кўтарган ҳолда сувдан чиқиб, думи қуриб қолмасдан дар-

ЧУМОЛИНИНГ ЛАЗЗАТЛИ ТАОМИ ШАМ ЎРНИДА

Табиат барча жонот, шу жумладан, ҳашаротлар учун ҳам ўсимлик дунёсидан хилма-хил озиқ моддалар яратиб қўйганга қарамай, қир чумолилари жамки мавжудотдан фарқли ўлароқ, ёғ, оксил, шунингдек, крахмалга бой ноз-неъматларни эмас, балки қул-қуруқ ёғочни лаззатли таом деб билади.

Нега шундай? Чунки дарахт таркибининг яримдан қўли чумолилар истеъмол қиладиган целлюлозадан иборат.

Қир чумолилари овқат топиб ва ташиб кун ер остидан махсус йўл қуришади. Улар бирор емишлик нарсани ҳидини сезганлари ҳамонқ шў жойдан ерни тешиб чиқишади. Қир чумолилари қуриган дарахт,

электр ва телефон ёғочларини остидан кемиради, кейин майдалаб ер ости йўли орқали инига таший бошлайди.

Қир чумолилари турли қурт-қумурска мурдаларини ҳам инига ташийверади.

Эвлахон деб аталган балиқнинг турган битгани ёғ. Америка хиндулари ундан ҳатто чироқ ўрнида фойдаланишган.

Бунинг учун балиқ оғзида қурилади, кейин инга остида ёқилса, шамдан қолишмайдиган даражада ёруғлик берган.

АВТОМОБИЛ ТАРИХИДАН ПИЧА

1832 йилда Англиянинг Лондон билан Бермингем шаҳарлари ўртасида биринчи қирақаш автобус қатнай бошлади. Бу автобус 50 кишига мўлжалланган бўлиб, йўловчиларнинг 28 нафари автобуснинг ташқарисига, 22 нафари эса ичига жойлашарди.

А.АЛИЕВ

Ранг-баранг олам

Автобусда юз кадам чамаси олдинда доимо бир одам бориб, у кундузи қизил байроқ кўтариб, кечаси эса қизил фонар ёқиб, йўловчиларни хавфдан огоҳлантиради.

Автомашиналарга рақам қўйишини биринчи бўлиб бошлаган киши берлинлик савдогар Рудольф Герцг эди. У 1901 йилнинг ёзида автомобильга NA1 белгисини осиб қўйди.

Бу рақамнинг тарихи қизиқ. Рудольфнинг ўзи улғайиб қолган бўлса-да, хотини ача ёш бўлиб, уни жуда севарди. Шунинг учун савдогар автомобилни унинг номи билан «JA» деб, яъни Йоганна Анкер деб атади. 1 рақами эса Рудольфнинг биринчи ва охириги севгисини билдирса керак

Дунёда биринчи ҳайдовчилик гувоҳномаси Германияда 1910 йилдан бошлаб жорий қилинган.

А.АЛИЕВ

ISHONCH Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Таъхир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расуллов, Элёр Ёқубов